



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 29 iyun № 26 (459)

Sotuvda narxi erkin

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. Йиғилишда соҳанинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.


“Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Давлат дастурини бажарилиши тўғрисида” маъруза қилган Агентлик Информацион хавфсизлиқни таъминлаш ва махсус ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Н. Шорахмедов компаниялар, корхона ва муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонунни бажариш бўйича маълум ишлар амалга оширилгани, бироқ айрим корхоналарда бу масалага жиддий эътибор берилмаётгани ҳақида маълумот берди. Ўзбекистон Республикаси “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуннинг бажарилиши ва почта алоқасининг ривожланиши истикболлари ҳақида “Ўзбекистон почтаси” ДАК бош директори вазифасини бажарувчи Қ. Тўлєбєв маъруза қилди. У почта корхоналарида қатор ишлар олиб борилганига қарамай, почта корхоналари моддий-техника базаси, почта жихозлари эскирилгани, почта вагонлари ва бошқа техника воситалари 15-20 йилдан буён ишлатиб келинаётгани, почта-касса аппаратлари ҳам замон талаби даражасида эмаслиги каби муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

“Уяли алоқа операторлари томонидан лицензиялар келишувларининг бажарилиши тўғрисида” Агентлик Лицензиялаш, сертификациялаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи Х. Соатов маърузаси тингланди. Маърузачи Давлат алоқа инспекцияси томонидан олти уяли алоқа корхоналари текширувдан ўтказилгани ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида аниқ кўрсатмалар берилганини айтиб ўтди. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 13-сентябрдаги 418-сонли қарорини бажариш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида” “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси бош директори Р. Қосимов маъруза қилди, вақтли нашрларнинг тарқатилишини кўпайтириш бўйича 2000-2010 йиллар учун режа ишлаб чиқилгани, келгусидаги вазифалар ва муаммолар хусусида маълумот берди.

Информацион технологиялар ва хизматлар бўлими иш фаолияти тўғрисида бўлим бошлиғи Г. Гафурбекова амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб, ўн учта меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилгани, бошқа қатор тадбирлар амалга оширилгани, барча ишлар ўз вақтида бажарилаётганини айтиб ўтди.

Хайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Тошкент. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси биноси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

• Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигига

СПОРТ БЕЛЛАШУВИ

Сурхондарё вилоят электралоқа ва почта ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилган мусобақаларда спортнинг тўрт тури бўйича 200 нафардан орттиқ киши қатнашди. Термиз шаҳридаги “Алпомиш” уйингоҳида саф тортган спортчиларни “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонаси бош директори ўринбосари Абдуваҳоб Ўринбоев табриклади.

Сурхондарёлик алоқачиларнинг мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йиллига бағишланган ёзги спартакиада қизгин ўтди. Спартакиада сўнггида ғолибларга эсдалик совғаларини Сурхондарё вилоят электралоқа ва почта ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ашурати Даминов топширди.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТИДА

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонасининг Олтинсой филиали учун янги, замонавий типдаги бино қурилиши бошланган бўлиб, бунёд этилаётган кўш қаватли бино мустақиллик иншоотлари қаторига киришган. “Тоғаймурод-271” механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Улар иншоотнинг мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширмоқчи.

Н. ЗИЁЕВ, жамоатчи мухбиримиз

• Танқиддан сўнг

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

“Хабар” газетасининг 2001 йил, 1 июн, 22-сонида босилган “Текширишларда аён бўлди” сарлавҳали мақола “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонасида ўрганиб чиқилди.

2001 йил, март ойида Республика Давлат алоқа инспекцияси томонидан “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонасида ўтказилган назорат тартибидagi текшириш жараёнида лицензия шартларининг бажарилмаётгани, хизмат сифати меъёри талабига тўлиқ жавоб берилмаётгани аниқланди.

Текшириш ўтказилгандан кейин далолатнома ва кўрсатмаларга асосан камчиликларни бартараф қилиш учун тадбир белгиланди. Йўл қўйилган камчиликлар юзасидан корхона бўлим ва филиал бошлиқлари тегишли жазосини олди. Корхонага келган хат, мурожаат ва ҳужжатлар тўлиқ назорат бўлимидан ўтказилиб, мурожаат та-

лаблари қондирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўзгаларида етказиб бериш тўлиқ йўлга қўйилди. Ёзма ва оғзаки мурожаатлар бўйича шикоят 16 шакл статистик ҳисоботга киририлди ва назоратга олинди.

Узун ва Жарқўрғон филиалларидаги АТСларнинг ички боғланиши меъёрига келтирилди. Жарқўрғон туман марказий АТСда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Корхона бўйича доимий қуруқ ҳаво босими остига қўйилган магистрал кабелларни меъёр миқдорига келтириляпти.

Белгиланган тадбир бўйича ишларнинг бажарилишини жойларда қайта текшириш вилоят алоқа инспекцияси билан биргаликда олиб борилмоқда.

Ш. ЁҚУБОВ, “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонаси бош директори

САМАРАЛИ СИНОВ

Икки йилдирки, Тошкент электротехника алоқа институтини битирувчи бакалаврлари Ўзбекистон тарихи фани бўйича ёзма равишда Давлат аттестациясидан ўтказилмоқда. Жорий ўқув йилининг май ойида тўртта факультетнинг 460 талабаси ана шу усулда синовдан ўтди. Кувонарли томонидан алоқа соҳасининг турли

корхоналарида ишлайдиган бўлеуси, малакали мутахассислар Ватанимиз тарихини яхши билишларини, миллий истиклол ғояси моҳиятини тўғри англаб етганликларини, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг тараққиётини, таълим тўғрисидаги қўрсатиб бера оладилар.

пухта билимларини яна бир қарра намоён этганлар. Айни чоғда кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш борасида ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар, ҳал этилиши керак бўлган муаммолар етарлича. Демак, ўқитиш ва тарбия жараёнини давр талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган даражага етказиш учун ҳали кўп ишлашимиз лозим.

И. ИСОМИДИНОВ, М. ЗУПАРОВ, Тошкент электротехника алоқа институтини доцентлари

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Матбуотда “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, шунингдек, “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирларни тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

• Польшада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-

сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Киев шаҳри озод этилганлигининг 55 йиллиги муносабати билан Украина Президенти Леонид Кучма барча уруш қаҳрамонлари ва фахрийларини “Ватан химоячиси” медалли билан мукофотлаш тўғрисида фармон чиқарди. Мукофотланганлар орасида юртоқошимиз — юқори чирчилик Сайдуомон Қосимхўжаев ҳам бор.

Электр энергияси ишлаб чиқарувчи тarmoқлардан олишда жойлашган, истилоши марказлаштирилмаган уй-жой мажмуалари ва техника қурилмалари учун энергиянинг ноанъанавий қайталанадиган манбалари (ЭНМ)дан фойдаланиш муҳим ҳамда долзарб масалалардан ҳисобланади. Электр энергиясининг узлуksизлигини талаб қилувчи телекоммуникация, қўриқлаш, метеорология хизмати объектлари учун ҳам ЭНМлардан фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Фан-техника ва маркетинг талқиқотлари маркази директори, техника фанлари номзоди, доцент Р.ИСАЕВ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, марказ илмий маслаҳатчиси Ж.АБДУЛЛАЕВлар муҳиримиз билан суҳбатда мазкур масала юзасидан қўйилганларини баён қилишди.

Р.Исаев: — Маълумки, органик ёқилғининг умумий захиралари чекланган миқдорда бўлиб, нархлар ҳам ошиб бормоқда. Ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиши даражаси унинг энергия таъминотида бевосита боғлиқлиги ҳисобга олинса, энергиянинг янги-тидан-янги манбалари устида иш олиб бориш нақадар муҳим ва аҳамиятли эканлиги ўз-ўзидан тушунарли бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда шамол энергияси, қуёш нури, биомасса каби энергиянинг ноанъанавий қайталанадиган манбаларидан фойдаланишга қаратилган кенг қўламадаги илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Охирги йилларда жаҳон бўйича шамол генераторлари ва ёруғлик ўзгартиргичларидан олинган умумий қувват кескин ошганлиги кузатишмоқда. Франциянинг Саноат ва иқтисодиёт ва зирлигига қарашли энергиянинг қайталанадиган манбалари департаменти ўтказган статистик тадқиқотлар ҳам бунни тасдиқлайди.

Халқаро энергетика агентлиги маълумотида кўра, 1998 йилнинг охирида жаҳоннинг 50 мамлакатидан умумий қуввати ўн минг МВт бўлган шамол энергияси қурилмалари (ШЭҚ) бунёд этилган. 1993 йилдан бошлаб ШЭҚ ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича йиллик ўсиш 40 фоизни ташкил этапти. Чунки ернинг шамол энергияси имкониятлари жуда катта бўлиб, олтига қитъа бўйича ҳам тенг тақсимланган. 1998-2003 йиллар ичида шамол энергияси қувватининг йиллик ўсиши 20 фоизни ташкил этиши, мазкур давр охирига келиб эса ШЭҚнинг умумий қуввати 33400 МВт бўлиши кутилмоқда. 2004 йилдан бошлаб йиллик ўсиш 30 фоиз бўлиши назарга олинса, 2010 йилгача 181000 МВт қувватли ШЭҚ ишга туширилиши мумкин бўлади. 2020 йилга келиб бу рақам 1,2 миллион МВт (2010 йилдан кейин йиллик ўсиш 20 фоиз бўлиши кутилмоқда)га етар экан. Мазкур даврга келиб ШЭҚда ишлаб чиқариладиган электр энергияси 2966 ТВтчни ёки дунё бўйича электр энергиясига бўлган бутун эҳтиёжнинг 10,85 фоизини ташкил қилади. Ҳисоб-китоблар ҳамда ўтказилган статистик тадқиқотлар шундан далolat бермоқдаки, 2040 йилларда дунё бўйича ишлаб чиқариладиган умумий электр энергиясининг 50 фоизини, яъни нақд ярмини шамол электр энергияси ташкил қилар экан. ШЭҚда ишлаб чиқариладиган электр энергияси қийматининг анча пасайиши кутилмоқда: 1998 йилда 4,7 цент/КВт бўлган бўлса, 2020 йилларда 2,5 цент бўлиши мўлжалланмоқда.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА НОАНЪАНАВИЙ МАНБАЛАР

Ж.Абдуллаев: — Табиий иқлим шароитлари республикаимизникига ўхшаш бўлган Ҳиндистонда ҳам ЭНМ кенг қўлланилмоқда. Ҳиндистон ҳукуматининг ЭНМга жиддий эътибори 1982 йилда Энергиянинг ноанъанавий манбалари департаменти ташкил этилгандан кейин айниқса яққол сезилди. Бу департамент кейинчалик мустақил вазирликка айлантирилиб, Ҳиндистоннинг ҳамма штатларида ЭНМдан фойдаланиш дастур лойиҳалари ишлаб чиқилди. Мазкур дастур тадқиқотлари ва лойиҳалар давлат ҳамда хусусий сектор маблағлари ҳисобида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, бу ишларга хорижий сармоялар ҳам жалб этилган.

Энергетикалар федерал уюшмаси ҳамда Германия шамол энергетикаси институтининг шамол энергетикаси тўғрисидаги 1998 йилги маълумотларига қараганда, Германия шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Бу ерда ўрнатилган ШЭҚнинг қуввати 3000 МВтга етай деб қолди. Қайталанадиган энергия манбаларининг бошқа турлари: биомасса/биогаз, қуёш ва геотермал энергиялардан фойдаланиш бўйича ҳам муҳим тадбирлар ўтказилмоқда. ШЭҚнинг амалдаги қуввати 1998 йилда 793,5 МВтга кўпайди ёки олдинги йилга қараганда 48,6 фоиз ортқича электр энергияси ишлаб чиқилди. Қурилган ШЭҚнинг ўртача қуввати 785 КВтни ташкил этди. Мазкур кўрсаткичга юқори қувватли ШЭҚ ишлаб чиқарилишини тўлиқ ўзлаштириш тўғрисида эришилди. Ишлаб чиқариладиган энг йirik ШЭҚнинг қуввати 2 МВт, шамол гилдирегининг диаметри 70 м бўлди. 1998 йилда шамол энерге-

тикасини ривожлантириш учун сарфланган умумий сармоя мамлакат бўйича 1,745 миллиард маркани ташкил этди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, ЭНМ йўналишида дунё миқёсида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Р.Исаев: — Табиий бойликлар: газ, нефть, кўмир, соф ва рангли металл захираларини излаш ҳамда ўзлаштириш билан бир пайтда республикаимизда ЭНМ борасида ҳам қатор ишлар олиб бориляпти. Ёқилғи ашёларини иқтисод қилиш ва энергияни тежаш ишлари бўйича давлат комиссиясининг ўтказатган тадбирлари айниқса эътиборга лойиқ. Комиссия томонидан ҳамда тегишли ижрочилар ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилгача бўлган мўлжалланган энергия дастури ишлаб чиқилмоқда. Дастурда ЭНМни баҳолаш муаммоларига алоҳида бўлим ажратилган. Мазкур йўналиш тўғрисида гап кетганда шу нарсани қайд этиш ўринлики, мамлакатимиз кўлай табиий иқлим, жумладан бой қуёш нури ҳамда шамол энергияси шароитига эга бўлсада, ЭНМдан фойдаланиш бўйича дунёнинг кўпчилиги ривожланган мамлакатларидан ҳамон анча орқалдами.

Фанлар академиясининг «Қуёш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси»да яратилган ва Тошкент шаҳри атрофида ўрнатилган ноёб Қуёш ўчоғи фаннинг оламшумул ютуқларидан ҳисобланади. Мазкур ўчоқ ва унинг ташкилий элементлари рақобатбардош технология самараси бўлиб, кўп қиррали фаолиятга мўлжалланган.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ЭНМдан оптик талаби алоқа линиялари тизимида қўлай-тириш қурилмаларининг электр таъминоти сифатида бемалол фойдала-

ниш мумкин. Шамол энергияси ва қуёш нуридан умумлашган ҳолда, биргаликда фойдаланилганда талаб этиладиган аккумулятор батареяси сизими оdatлағидан икки марта камаяди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ходимлари кейинги вақтларда Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти билан ҳамкорликда электр тarmoқларидан узоқда жойлашган ҳамда электр таъминоти турлича бўлган телекоммуникация объектлари учун умумийлаштирилган қуёш-шамол энергияси манбаларидан фойдаланиш бўйича жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Ж.Абдуллаев: — Жорий йилнинг феврал-март ойларида Австрия ва Германияда бўлдим. Австрияда «Умумжаҳон энергия кўни» конференциясида биомасса (ўрмон)дан самарали фойдаланиш ҳамда мазкур йўналишдаги янги технология ва бозорнинг ўзига хос томонлари муҳокама этилди. Ўрмонни келажак авлод учун сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ўрмондан тежамли фойдаланишга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўрмон асосий бойлик сифатида жуда қадрланади.

Германиялик ҳамкорларимиз билан умумлашган қуёш-шамол тизимини қўллаш муаммолари тўғрисида маслаҳатлашиб олдим. Орол денгизи ҳудудидagi айрим объектларнинг электр-сув-иссиқлик таъминоти борасида ҳамкорлик қилишга келишилди.

ЭНМдан ҳар томонлама самарали фойдаланиш учун республикаимизда етарли илмий-амалий асос мавжуд, юқори малакали мутахассислар ҳам етарли. Демак, ҳозиргача мазкур имкониятлардан унумли фойдаланилмапти, холос.

Ж. САИДУРДОВ
ёшб олди

• Алоқа матбуот кўзгусида

ЧЎНТАК ТАРЖИМОНИ

Франциянинг машҳур «Лексисбук» фирмаси катталиги радиотелефондек таржима қиладиган чўнтак электрон апаратини яратди.


У таржима қилмоқчи бўлган сўз устидан юргизилганда, экранда ўша сўзнинг таржимаси кўринади. Бу мослама инглиз ва француз тилларидаги сўзларни беҳато таржима қилиб, хотирасида камида 500 минг сўз сақлай олади.

МИТТИ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Япониядаги «Эпсон» фирмаси француз бўлими оғирлиги 400 граммлик чўнтак рангли телевизорини ишлаб чиқармоқда. Митти телевизор батарея билан ишлайди. Экран диагонали 13 сантиметр бўлиб, телестанцияларни автоматик равишда ўзи топади. Бу телевизор 121100 элементдан (катта телевизорда — 480000) ташкил топган, аниқ тасвири мўъжаз экран учун етарли.

ЯНГИ ТУЗИЛМА

Грузияда халқаро оптик тала тarmoқлари ва телекоммуникациялар корпорацияси ташкил этилди. У мамлакат ҳудудига алоқанинг оптик тала кабель магистраллининг қурилиши ва фойдаланилиши бўйича барча иш жараёнини мувофиқлаштириб туради. Янги тузилма Франкфурт-Майндан Шанхайгача кабель ўтказишни назарда tutувчи «Транс-Осиё-Европа» (ТОЕ) халқаро телекоммуникация лойиҳасини рўёбга чиқаришга бевосита боғланади.



«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси Камаши филиали марказий АТС муҳандиси Абдурахмат ИРЗАЕВ ўзига бириктирилган АТСнинг бенуқсон ишлашига эришмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ФХ жамоаси Андижон шаҳар бўлинимаси бошлиғи Мухамат ҚОСИМОВни 50 ёши билан чин қалбдан табриклайди. Унга оилавий бахт, сийхат-саломатлик, Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган хайрли ишларида улкан зафарлар тилайди.

КУН ТАРТИБИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ

«Бухоро Телеком» акционерлик жамиятида меҳнат муҳофазасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни «Бухоро Телеком» акционерлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари Ў. Тўхтаев олиб борди.

Йиғилишда акционерлик жамияти шаҳар ва туман филиалларининг бош муҳандаслари, меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси, АТС ҳамда алоқа линиялари муҳандаслари, техник ҳисобга олиш ходимлари иштирок этдилар.

Семинар қатнашчилари муҳим масалалар, яъни жойларда ёнғин келиб чиқишининг олди олиниши, сани-

тария-гигиена талабларига қатъий риоя қилинишига эришилиши, зарарли шароитларда ишловчилар учун «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган қўйилганидек ходимларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилиши, шахсий гигиена хоналарининг ҳар бир иш жойида ташкил этилиши, ишчи ва муҳандаз-техник ходимларни ўқитиш ишларида алоҳида эътибор берилиши каби мавзуларда ўтказилган машғулотлар қатнашчилар учун фойдали бўлди.

А. ИСТАМОВ,
жамоатчи муҳбиримиз

ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти «Termiz shahrining 2500 yilligi», «O'zbekiston Respublikasining 10 yilligi» каби maxsus почта тамгаларини, шунингдек, «Aloqa sohasidagi mintaqaviy hamkorlik (RSS)», «Avestonning 2700 yilligi», «Umumjahon atrof-muhit kuni» nomli badiiy hamda Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган қирқ ва қирқ беш сўмлик почта маркаларини муомалага чиқарди.

С COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

1 2 3 4 5 6